

**А.Қодирий номидаги Жиззах Давлат педагогика институти Чет тиллар факультети Инглиз тили амалий курси кафедраси стажёр ўқитувчиси Н.Сойбназаровнинг 749-19- гуруҳ талабалари билан “Describing people” мавзусида ўтказилган очик дарс**

## **Б А Ё Н Н О М А С И**

**Жиззах шаҳри**

**06.12.2021 йил**

***Қатнашдилар:***

***Инглиз тили амалий курси кафедраси профессор- ўқитувчилари***

**Кун тартибида:**

1. Кафедра стажёр ўқитувчиси Н.Сойбназаров 749-19 гуруҳ талабалари билан **“Describing people”** мавзусидаги очик дарси муҳокамаси.

Сўзга чиқдилар : Кафедра мудири катта ўқитувчи Ш.Узокова:

Хурматли ўқитувчилар! Сизларга маълумки, Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги қарорлари ҳамда кафедранинг 2021 - 2022 ўқув йили учун режалаштирилган очик дарслар юзасидан кафедрамизда навбатдаги очик дарс ўтказилди. Очик дарс кафедрамиз стажёр ўқитувчиси Н. Сойбназаровнинг 749-19 - гуруҳ талабалари билан “Describing people” мавзусида бўлиб ўтди. Очик дарс муҳокамаси ва уни ҳолисона баҳолаш бўйича сизлардан ушбу ўтказилган дарс юзасидан ўз фикр ва мулоҳазаларингизни билдиришингизни сўрайман.

**Ўқитувчи – Г.Мамирова**

Бугунги кунда олий таълим сифатини ошириш бўйича президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан бир қанча муҳим қарор ва лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Буни ўз ўрнида амалга жорий этиш ҳар биримизнинг олий бурчимиздир. Бу албатта сифатли дарс ўтиш ва талабаларни илм-фанга қизиқтириш билан юзага чиқади. Шу муносабат билан ўқитувчи Н.Сойбназаров томонидан ташкил қилинган ушбу очик дарс юқоридаги талабларга асосланиб, намунали ташкил қилинган. Дарс давомида талабаларни фаолликка ундовчи педагогик маҳорат ва методлардан фойдалана олди ва дарсга қўйилган мақсадларни амалга ошира олди.

## **Ўқитувчи – М.Тўраева:**

Ушбу очик дарс режаси ва фойдаланиладиган методлар яхши режалаштирилган. Дарснинг структурасида белгиланган вақт тартибига тўғри амал қилинди. Деярли барча талабалар дарс давомида фаол иштирок этишди. Дарсда қўшимча адабиётлардан олинган маълумотлар ва назорат учун саволлар, уларнинг муҳокамаси мавзуни чуқурроқ ўзлаштиришга хизмат қилди.

Очик дарс муҳокамаси юзасидан кафедра ўқитувчилари М.Умаркулова, М.Тўраева ва бошқалар сўзга чиқишди.

Юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда кафедра йиғилиши қарор қилади:

1. Н. Сойбнзаровнинг **“Describing people”** мавзусидаги очик дарси яхши деб топилсин.
2. Юқорида келтирилган фикрлар инобатга олинган ҳолда кафедра профессор-ўқитувчилари малакасини янада самарали ташкиллаштириш ва олиб бориш чора тадбирлари кўрилсин.

**Йиғилиш раиси:**

**доц. в.б Ш. Узокова**

**Котиба:**

**Б. Жумаева**



